

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/PED.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 821.512.133.09

АШУРОВА ШАҲНОЗА АЛМАСОВНА

ИНГЛИЗЗАБОН ҒАРБ АДАБИЁТИ ВА ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА
АНИМАЛИСТИКА ЖАНРИ ХУСУСИЯТЛАРИ
(Э.Сетон-Томпсон ва Н.Норқобилов ижоди мисолида)

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
Доктора философии (PhD) по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Ашурова Шахноза Алмасовна

Инглиззабон Ғарб адабиёти ва ўзбек адабиётида анималистика
жанри хусусиятлари.....3

Ашурова Шахноза Алмасовна

Особенности жанра анималистики в англоязычной западной литературе и в
узбекской литературе.....20

Ashurova Shahnoza Almasovna

The Particularities of the Animalistic Genre in Occidental English Literature and
Uzbek
Literature.....40

Эълон қилинган ишлар рўйхати.....45

Список опубликованных работ

List of publications

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/PED.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 821.512.133.09

АШУРОВА ШАҲНОЗА АЛМАСОВНА

ИНГЛИЗЗАБОН ҒАРБ АДАБИЁТИ ВА ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА
АНИМАЛИСТИКА ЖАНРИ ХУСУСИЯТЛАРИ
(Э.Сетон-Томпсон ва Н.Норқобилов ижоди мисолида)

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида 821.512.133.09 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида www.uslu.uz ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталининг www.ziyo.net манзилида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Эрматов Баҳодир Содиқович
филология фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Холбеков Муҳаммад Нуркасимович
филология фанлари доктори, профессор

Умарова Маҳлиё Юнусовна
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи илмий муассаса:

Андижон давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil/PED.27.01 рақамли Илмий кенгашнинг «___» «_____» 2020 йил соат ___даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик халқа йўли кучаси, 21А уй. Тел.: манзил бўйича: (99871) 230-12-91; факс: (99871) 230-12-92; e-mail: uzswlu_info@mail.ru

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик халқа йўли кучаси, 21А уй. Тел.: манзил бўйича: (99871) 230-12-91; факс: (99871) 230-12-92

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ кунлари тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги _____-рақамли реестр баённомаси).

Г.Х.Бакиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Х.Б.Самигова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, филол.ф.д.(DSc), доцент

Д.С.Қулмаматов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида турли халқларнинг адабий ёдгорликларидан кенг ўрин олган рамзий-мажозий образлар, тасвирлар тизимини тадқиқ этиш бўйича кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. Антик давр адабиётидан бошлаб мақсад ва ғояни рамз ва тимсоллар воситасида бадиий тасвирлаш усуллари кенг ривожланганлиги ҳам илмий адабиётлардан маълум. Шу нуқтаи назардан, барча даврларда адабиётдаги рамзий-мажозий – анималистик тасвир ва унинг шаклий хилларини таҳлил этиш ҳамда уларнинг бадиий асарлардаги образлар ва тимсоллар тизимини яратишдаги аҳамиятини аниқлаш муҳим ҳисобланади.

Дунё адабиётшунослигида мажозий тасвир поэтикаси, мажозийликни ҳосил қилувчи воситалар, рамз, мажоз орқали ифодаланган фикрлар таҳлили, ранг, қуш ва ҳайвонлар тасвири, табиат воқеа-ҳодисалари ва осмон жисмлари воситасида ифодаланган рамзий-мажозий талқинлар бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Замонавий адабиётшунослик умумхалқ мулкига айланган, одилонга давлат бошқаруви, одоб-ахлоқ, юксак ижтимоий-фалсафий ғоялар бетакрор рамз ва тимсоллар орқали илгари сурилган асарларни янги илмий тамойил ва мезонлар асосида ўрганишга йўналмоқда. Шу маънода анималистик адабиётда қўлланган рамз ва тимсолларнинг бадиий моҳиятини илғор адабий усулларни татбиқ этган ҳолда очиқ бериш жаҳон адабиётшунослигида долзарб масалалардандир.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда миллий-маънавий ҳаётни, шу жумладан, бадиий адабиётни ривожлантиришга катта эътибор берилди. Айниқса, кейинги йилларда миллий адабиёт ва унинг тараққиёт йўлларини белгилаб берувчи миллий адабиётшунослигимизни янада ривожлантиришга ҳам давлат миқёсида аҳамият берилмоқда. “Адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу, аввало, халқимизга эътибор, келажагимизга эътибор эканини, адабиёт, маданият яшаса, миллат яшаши мумкинлигини унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ”¹. Шу маънода биз маънавиятимизни юксалтириш, ёшларимизни миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида камол топтиришга интилаётган эканмиз, бошқа соҳалар қатори адабиётшуносликни ҳам ривожлантиришимиз, энг долзарб адабий муаммоларнинг моҳиятини очиқ беришимиз зарур. Хусусан, анималистик адабиёт, унинг ўзига хос хусусиятлари ва мажозий тасвирларнинг адабий қимматини тадқиқ этиш миллий адабиётшунослигимиз олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини

¹Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2017 йил, 4 август.

ташқил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2909-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон адабиётшунослигида анималистик адабиётбилан боғлиқ бир қатор тадқиқот ишлари амалга оширилган. Жумладан, Мичиган университетининг тадқиқотчиси Киара Вижил “Инсонлар ва ҳайвонлар: ҳиндулар тафаккури ва Америка талқини” мавзусидаги тадқиқотини бажарган бўлса², Т.Б.Белогурова ва И.Б.Гришучкова сингари россиялик олималар анималистиканинг тилшунослик соҳасидаги ажойиботларини тадқиқ қилганлар³. Тожикистон Республикаси Хўжанд давлат университети тадқиқотчиси Б.Т.Мирсаидов ва россиялик А.А.Мостепанов ўз тадқиқотларини ўрта асрлар ва XX аср анималистик адабиётини ўрганишга бағишлаганлар⁴.

Канаданинг Оттава университети олимаси И.Х.Мью “Бадий адабиётда жониворлар ҳаёти” номли диссертациясини ҳимоя қилди.⁵ Хориждаги қатор адабиётшунослар ўз тадқиқотларини машҳур адибларнинг ижодига, айниқса, уларда анималистиканинг акс эттирилганлик даражасини аниқлашга йўналтирдилар. Бу каби тадқиқотлар сирасида Калифорния университети профессори Жан Лондоннинг “Жек Лондон ва унинг даври”, Квебек университети тадқиқотчиси Ф.С.Жаннинг “Эрнест Сетон-Томпсон: Романтик ифода” ва МДУ тадқиқотчиси И.Е.Лунианинг “Жек Лондоннинг бадий олами – табиат – цивилизация” сингари илмий изланишлари бор⁶.

Бадий адабиётдаги анималистика жанри бўйича республикамизда ҳам

² Vigil K.M. *Stories in Red and Write: Indian Intellectuals and the American Imagination, 1880-1930*. PhD (American Culture). – University of Michigan, 2011.

³ Белогурова С.П. Анимализм как культурологический и художественный феномен в общественной мысли рубежа XIX-XXвв: Дисс...канд.филол.наук. – М., 2011; Гришучкова И.Б. Лингвостилистическая специфика речевого поведения анималистического персонажа: Дисс. ...канд.филол.наук. – Ставрополь, 2011.

⁴ Мирсаидов Б.Т. Художественный образ птиц в мистической поэзии средних веков (XI-XIII вв): Автореф. дисс. ...канд.филол.наук. –Худжанд, 2004; Мостепанов А.А. Анималистический жанр в английской литературной сказке XX века: Автореф. дисс. ...канд.филол.наук – Воронеж, 2011.

⁵ Mew W.H. *Short fiction's fabulous realities*. PhD. Carleton University, Department of English. - Ottawa, Canada, 1982.

⁶London J. *Jack London and his time*. – California University (USA), 1956; Jean F.S. *Ernest Thompson Seton: The Romantic Imagination*. PhD.– Quebec (Canada), 1978; Лунина И.Е. Художественный мир Джека Лондона: человек - природа – цивилизация: Автореф.дис. доктора филол. наук. – М., 2010.

баъзи тадқиқотлар амалга оширилган⁷. Бироқ бизнинг тадқиқотда кўтарилган мавзу ҳозирга қадар махсус илмий тадқиқотнинг объекти бўлган эмас.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон Миллий университетининг “Ўрта асрлар Ғарбий Европа мамлакатлари адабиёти тараққиётининг замонавий концепциялари”, “XIX аср Ғарбий Европа адабиётининг жанр хусусиятлари” ва “XX аср иккинчи ярми Ғарбий Европа романи поэтикаси” мавзуларидаги устувор илмий йўналишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инглиззабон Ғарб адабиёти ва ўзбек адабиётидаги анималистика жанри моҳиятини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бадий адабиётда анималистика жанри, унинг генезиси ва тараққиёти тарихини ўрганиш;

инглиззабон Ғарб адабиёти ва XX аср ўзбек адабиётидаги анималистик асарларда кўтарилган табиат ва инсон ўртасидаги муносабатларнинг ёритилишини асослаш;

инглиззабон Ғарб адабиёти ва XX аср ўзбек адабиётидаги анималистик адабиётда жониворлар (хайвонлар, қушлар) ҳаётининг ёритилиши ва унинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

инглиззабон Ғарб адабиёти ва XX аср ўзбек адабиётида анималистика адабий жанрининг тутган ўрнини белгилаш;

инглиззабон Ғарб адабиёти ва XX аср ўзбек анималистик адабиётидаги муштараклик ва ўзига хосликларни аниқлаш.

Тадқиқотнинг объектини инглиззабон Ғарб адабиёти ва ўзбек анималистик адабиётидаги асарларнинг аслиятлари ҳамда уларнинг таржималари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети инглиззабон Ғарб адабиёти ва ўзбек анималистик адабиётида кўтарилган ҳайвонот дунёси ҳамда жониворлар ва инсонлар ўртасидаги муносабатлар талқинидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Инглиззабон Ғарб адабиёти ва ўзбек адабиётида анималистика жанри хусусиятларини очиб беришда илмий кузатувнинг чоғиштира, киёсий-типологик, назарий таҳлил ва илмий шарҳ методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

анималистик адабиётнинг турли тарихий-адабий қонунларга бўйсунган турфа жанрий шаклларнинг омухтасидан иборат эканлиги, бундай асарлар адабий эртак, эпик поэма, реалистик ҳикоя ва қисса кўринишида юзага чиқаётганлиги далилланган;

анималистик асарлар ҳайвонлар, қушлар ва отлар ҳаёти ҳақида ҳикоя қилса ҳам, уларда чуқур фалсафий ва ахлоқий масалаларни кўтарилганлиги,

⁷Жумаева С.Ч. Ҳайвонлар ҳақидаги эртакларнинг генетик асослари ва спецификаси: Филол. фан. номз. ...дисс.автореф. – Тошкент, 1996. – 26 б.

ижтимоий муаммога давр ахлоқий мезонларидан келиб чиқиб ёндашилганлиги аниқланган;

инглиззабон Ғарб адабиёти ва ўзбек адабиётидаги анималистика жанрининг бадиий хусусиятлари тадқиқида асосий эътибор поэтиканинг пейзаж, муҳит, образ, портрет, ички монолог каби категорияларига қаратилиб, Англия, Америка ва ўзбек адабиётидаги анималистик асарларининг поэтикаси, уларда кўтарилган инсон ва ҳайвонот олами ўртасидаги муносабатлар биринчи марта илмий асослаб берилган;

анималистик адабиётда реалистик услуб XIX асрнинг охиридан шаклланганлиги, XX аср анималистик адабиётида эса асосий услубга айланганлиги ҳамда замонавий анималистик адиблар ижоди ҳайвонларни тасвирлашнинг “антропологик” ва “зоологик” ёндашувнинг синтезидан иборатлиги асосланган;

инглиззабон Ғарб ва ўзбек анималистик адабиётида илгари сурилган бош мавзу табиатни асраш, инсон ва жониворларнинг тинч-тотув яшаш ғояси эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

анималистика жанри, унинг ўзига хосликлари, мажозий образлар поэтикаси ва унинг реал ҳаёт билан боғлиқ жиҳатларига доир илмий маълумотлардан адабиётшунослик, адабиёт назарияси билан боғлиқ тадқиқотларни яратишда қўл келиши далилланган;

инглиззабон Ғарб адабиёти ва ўзбек адабиётидаги мажозий тасвир поэтикасининг бугунги кун ўқувчисининг тафаккурини ривожлантириш ҳамда жамиятнинг ахлоқий-эстетик ҳамда маънавий-маърифий юксалишидаги аҳамияти кўрсатилган;

анималистика жанрини тадқиқ этиш бўйича тўпланган материаллар, чиқарилган хулосалар инглиззабон адабиёт ва ўзбек адабиёти учун муҳим маълумотларни бериши, “Адабиёт назарияси” ҳамда “Адабиёт тарихи” фанларини ўқитишда амалий қўлланма бўлиб хизмат қилиши асосланган.

Англия, Америка ва ўзбек адабиётидаги анималистик асарларнинг поэтик тасвир маҳорати очиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда муаммонинг аниқ қўйилганлиги ва унинг адабиётшуносликнинг сўнгги ютуқлари асосида тавсифий, матний-қиёсий ва таҳлилий-қиёсий усуллар ёрдамида ечилганлиги, амалга оширилган таҳлилларда анималистик адабиётга хос хусусиятлар асосида илмий натижа ва хулосалар чиқарилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, чиқарилган назарий хулосалар ҳозирги кунда адабиётшуносликда долзарб бўлиб турган мажозий тасвир воситалари, уларнинг шаклий хиллари, мажозий тасвир, образ ҳосил қилувчи воситаларнинг хусусиятлари, ҳайвонлар ва қушлар тасвири, мажозни ҳосил қилишда ижодкорлар дунёқарашининг ўзига хосликлари бўйича мавжуд маълумотларни кенгайтиради ва тўлдиради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган хулосалар инглиззабон Ғарб адабиёти ва ўзбек адабиётида анималистика жанри мажозий тасвир поэтикаси бўйича тадқиқотлар яратишда, мажозийликни ҳосил қилувчи воситаларни таҳлил қилиш ҳамда бадиий асар мазмунини тўғри англашда, адабиётшунослик ва таржимашунослик фанларида мажозий тасвир масаласи бўйича маърузалар ўқишда, ихтисослик фанларини ўқитишда манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инглиззабон Ғарб адабиёти ва ўзбек адабиётида анималистика жанри хусусиятлари бўйича олинган натижалар асосида:

анималистик адабиётнинг турли тарихий-адабий қонунларга бўйсунган турфа жанрий шаклларнинг омухтасидан иборат эканлиги, бундай асарлар адабий эртак, эпик поэма, реалистик ҳикоя ва қисса кўринишида юзага чиқишига оид материаллардан “Analyzing and translating the story “Little Warhorse, The History of A Jack-Rabbit”, “Analyzing and translating the story “Arnaux, The Chronicle of A Homing Pigeon” каби асарларни таълимга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 5 ноябрдаги 89-03-4279-сон маълумотномаси), ҳамда Ф1-02 рақамли “Адабиётшунослик тарихининг фундаментал тадқиқи” фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 4 ноябрдаги 89-03-4252-сон маълумотномаси). Натижада Илмий тадқиқотнинг татбиқи талабаларнинг мазкур фанларни ўзлаштириши самарадорлигини оширишга, “Адабиётшунослик” ва “Хорижий адабиётлар тарихи” каби фанлари мазмунини такомиллаштиришга хизмат қилган. Шу билан бир қаторда илмий натижалар анималистика жанрининг Ғарб адабиётида шаклланиши ва ривожланиши бўйича таҳлилларнинг кенгайтилишига олиб келган;

анималистик асарлар ҳайвонлар, қушлар ва отлар ҳаёти ҳақида ҳикоя қилса ҳам, уларда чуқур фалсафий ва ахлоқий масалаларни кўтарилганлиги, ижтимоий муаммога давр ахлоқий мезонларидан келиб чиқиб ёндашилганлиги чет эл ва ўзбек адабиёти намуналарида анималистика жанрини ҳамда бадиий таржимада миллий руҳнинг адекват берилишига оид материаллардан ЁА-1-06 рақамли “Профессионал таржимонларни тайёрлашда сифат назоратини ташкиллаштиришга компонент ёндашув” (2011-2013 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 13 апрелдаги 87-03-1429-сон маълумотномаси). Натижада сўзларнинг луғавий маъноси билан таржимадаги маъносини таҳлил қилиш орқали уларни аниқ баҳолашга хизмат қилганлиги аниқланган;

инглиззабон Ғарб адабиёти ва ўзбек адабиётида анималистика жанрининг бадиий хусусиятлари, поэтиканинг пейзаж, муҳит, образ, портрет, ички монолог каби категориялари, Ғарб ва ўзбек адиблари асарларининг поэтикаси тадқиқи, Ғарб ва ўзбек адиблари асарларининг фалсафий-ахлоқий проблематикаси, инглиззабон Ғарб ва ўзбек анималистикаси ривожидан тугган

ўрнига оид маълумотлардан ОТ-Ф8-062 рақамли “Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари”(2007-2011 йй.) фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 17 январдаги 89-03-279-сон маълумотномаси). Натижада аслият асарларини таржима қилишда ҳайвонлар образининг моҳиятини тўғри талқин қилиш имконини берган;

анималистик адабиётда реалистик услуб XIX асрнинг охиридан шаклланганлиги, XX аср анималистик адабиётида эса асосий услубига айланганлиги ҳамда замонавий анималистик адиблар ижоди ҳайвонларни тасвирлашнинг “антропологик” ва “зоологик” ёндашувнинг синтезига оид материаллардан “Европа ва Ўзбекистон ёзувчиларининг бадиий асарларидан таржималар”, “Literary peculiarities of the short stories by Ernest Thompson Seton” ва “Analyzing and translating of the short stories by Ernest Thompson Seton” мавзулари Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 5120200 – “Таржима назарияси ва амалиёти” (инглиз тили) бакалаврият таълим йўналиши 2-босқич талабалари ўқув жараёнида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 03 декабрдаги 89-03-4691-сон маълумотномаси), ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Бадиий таржима ва халқаро алоқалар бўлимида “Э.Сетон-Томпсон ва Нормурод Норқобилов ижодида ҳайвонлар образлари”, “Тоғай Муроднинг таржимонлик фаолияти” ва “Халқаро адабий алоқалар” мавзулари бўйича қилган маърузаларидан аслият матнидаги анималистика жанри билан боғлиқ ўринларни таржима тилида бериш йўллари ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг 2019 йил 1 ноябрдаги 01.03.04/1233-сон маълумотномаси). Натижада талабаларнинг таржима назарияси ва амалиёти юзасидан билимлари такомиллаштирилганлиги асосланган, шунингдек илмий натижаларнинг татбиқи аслият ва таржима мутаносиблигини таъминлашга имкон берган;

инглиззабон Ғарб ва ўзбек анималистик адабиётида илгари сурилган бош мавзу табиатни асраш, инсон ва жониворларнинг тинч-тотув яшаш ғояси эканлиги Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston” телеканалининг “Тилга эътибор”, “Ассалом Ўзбекистон!” кўрсатувларини тайёрлашда тадқиқот натижаси ва мулоҳазалардан фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2019 йил 20 октябрдаги 02-35-7680-сон маълумотномаси). Натижада анималистика жанри бўйича тайёрланган кўрсатувларнинг самарадорлигини оширишга, ҳамда томошабинларнинг ушбу кўрсатувларни аниқ англашига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 халқаро ва 4 республика илмий-амалий анжуманида маъруза кўринишида баён этилган ва апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш нашр қилинган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари

асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, хорижий журналда 3 та мақола нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Тадқиқотнинг умумий ҳажми 157 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби назарий бўлиб, унда “**Анималистик адабиёт, унинг генезиси, тараққиёти ва бугунги ҳолати**” тадқиқ қилинади. Бадиий адабиёт марказида доимо инсон туради. Бироқ бу ҳар бир асарда инсон образининг қатнашувини шарт қилиб қўймайди. Баҳор, гул, тош, от, ит, мушук, бўри, тулки, айиқ тасвирига бағишланган асарлар ҳам кўп. Адабиётдаги ҳайвонлар образлари, инсонлар ва ҳайвонлар ўртасидаги муносабатлар, жониворларнинг инсонлар ҳаётидаги ўрни эса жаҳон адабиётида янги ҳодиса эмас. Анималистик адабиёт узоқ тарихий тараққиёт йўлини босиб ўтди. Унинг илдизлари қадим замонларга – ер юзида ҳаёт пайдо бўлган даврларга бориб тақалади.

Кушлар ва ҳайвонлар ҳақидаги афсоналар, маккор жонзодлар ҳақидаги эртақлар, ғаройиб маҳлуқлар ҳақидаги масаллар ва фантастик характерли битиклар, ҳайвонлар салтанати ҳақида ҳикоя қилувчи эпик поэмалар ва сатирик қиссалар – анималистик адабиётнинг тўлиқ бўлмаган бадиий шакллари ана шулардан иборат. Биз ҳам юқоридагилардан келиб чиқиб, **бош қаҳрамонлари ёхуд асосий персонажлари жониворлар бўлган** бадиий адабиётнинг ҳикоя, қисса ва романларни ҳам анималистикага мансуб асарлар деб ҳисоблаймиз ва Россия тадқиқотчиларининг ХХІ аср бошида ҳимоя қилинган диссертацияларида билдирилган фикрларига қўшилаемиз.

Кўп халқлар оғзаки ижодида, жумладан дostonларида, азалдан от, туя, йирик шохли қорамол, қўй-қўзилар куйланган. Улар бойлик, тўқлик ва хотиржамлик рамзи ҳисобланган. Ўрта асрларда Ғарбий Европада ҳайвонлар, хусусан, уй ҳайвонлари ва кушлар кичик жанрлардаги асарларнинг персонажларига айландилар, жониворлар асарлардаги инсонлар билан уларнинг тилида сўзлашадиган, кўпинча, уларни тутиб олган инсонлар қўлидан қувлик ва маккорлик қилиб чиқиб кетадиган бўлишди. Ғарбий Европада шу даврда яратилган йирик жанрдаги асарлардан деярли барчадавлатларда кенг тарқалган “Тулки ҳақида роман”ни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин.

Анималистик адабиётдаги “антропологик” ва “зоологик” ёндашувни ажратиб кўрсатиш лозим. “Зоологик” тасвир “антропологик” тасвирдан илмийлиги билан фарқ қилади. Бироқ “зоологик” ёндашувдаги асарлар марҳум адибимиз Тоғай Мурод таъкидлаганидек, “бадий асар бўлиб, бадий асар бўлмайди, илмий асар бўлиб, илмий асар бўлмайди. Улар чинакам бадий асар даражасига кўтарила олмай, ўз соҳасига оид қўлланма асар бўлиб қолади”⁸.

XVIII асргача анималистик адабиётда “антропологик” омил устунлик килди. Бироқ кейинчалик табиатшунослик фанларининг ривожланиши билан анималистик адабиётда инсон ва ҳайвонот олами бирлиги ғояси устунлик қила бошлади ҳамда “антропологик” омил ўз ўрнини “зоологик” омилга бўшатиб берди. В.Я.Пропп анималистик эртаклар деганда асосий объекти ёки субъекти ҳайвонлар бўлган эртакларни тушунади.

Анималистик эртакларда биз ҳайвонларнинг айрим типларини персонажлар сифатида ишлатилишининг культурологик қонуниятларини кузатишимиз мумкин. Инглиз лингвокультурасида айиқ, қуён, мушук (йўлбарс, пантера), илон ва тўнғиз (чўчка) энг асосий ҳайвон-қаҳрамонлар бўлса, ўзбек лингвокультурасида от энг асосий қаҳрамон ҳисобланади. Бу эртакларда энг кўп учрайдиган ҳайвон айиқ, жумладан, дўстлик ва олижаноблик рамзи ҳисобланади. Анималистик эртакларда бўри ваҳший ва бешафқат маҳлуқ, тулки – айёр ва эпчил, ёввойи қуён – фаол ва мустақил, эшак – тентак, узоқни кўра билмас, бироқ садоқатли жонивор образларида намоён бўлади.

Англияда адабий анималистик эртакнинг туғилиши XIX аср бошига тўғри келади. Айрим маълумотларга қараганда унга Вильям Роско асос солган. “Капалаклар базми ва чигирткалар байрами” (“The Butterfly’s Ball, and the Grasshopper’s Feast”, 1807) номли шеърий эртак мозийшунос, ўсимликшунос ва шоир В.Росконинг қаламига мансуб.

Англияда XIX асрнинг ўрталари ва иккинчи ярми адабий эртакларидаги анималистик йўналиш Р.Киплинг (1865-1936), К.Грэхем (1859-1932), Б.Поттер, Х.Лофтинг ва бошқаларнинг номлари билан боғлиқ. Уларнинг асарларида ҳайвонлар эртакнинг бош қаҳрамонларига айланиб, олдинги саҳнага чиқадилар, табиат ва ҳайвон муаллиф ғоясини китобхонга етказувчи асосий унсурларга айланади.

XIX асрда Европада ривожланган илм-фан анималистикага ўзгаришлар олиб кирди. Чарльз Дарвин “Турларнинг келиб чиқиши” номли фундаментал асарини яратди ва бу билан нафақат зоология, биология, генетикада балки ижтимоий фанлар, шу қатори, бадий адабиётда ҳам буюк кашфиёт яратди.

XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошида Ғарбий Европада ва Океан ортида реалистик руҳдаги анималистик адабиёт шаклланди. XX асрнинг бошида америкалик адиб Жек Лондон (1876-1916) ўз шимол ҳикояларининг катта бир қисмини ҳайвонларга бағишлади. Шу тариқа, унинг асарларида

⁸Мурод Тоғай. Сетон-Томпсон китобига сўзбоши // Э.Сетон-Томпсон. Ёввойи йўрға. Жониворлар ҳақида ҳикоялар. – Т.: Ношир, 2010. – Б.7.

айиқлар, бўрилар, буғулар образлари пайдо бўлди. Айниқса, унинг “Оқ Сўйлоқ” ва “Аждодлар нидоси” повестлари диққатга сазовордир.

Марказий Осиё, шу жумладан ўзбек адабиётида ҳам анималистика жанри қадим-қадимдан мавжуд. Ўрта асрларда буюк бобомиз Алишер Навоий ҳам анималистик асарлар яратган. 1498 йилда А.Навоий “Лисон ут-тайр” – “Қуш тили” асарини яратиб, унда инсон билан табиат, илоҳиёт масаласини бадиий таъриф-тавсифлади. Буюк шоир ўз қарашларини Попишак, Тўти, Товус каби ўттиздан ортиқ қушлар тили, хатти-ҳаракатлари, саргузаштлари орқали мажозий тарзда бадиий ифодалади.

XX аср Марказий Осиё ва Қозоғистон халқларининг анималистик адабиётларида отга катта ўрин берилган. От қирғиз халқининг забардаст ўғлони, дунё миқёсида танилган адиб Чингиз Айтматовнинг деярли барча асарларидан ўрин олган. Адибнинг илк “Жамила”, “Алвидо, Гулсари”, “Биринчи муаллим”, “Бўтакўз” қиссаларидан тортиб, энг сўнгги асари “Қулаётган тоғлар” (“Мангу қайлик”) гача от образи инсонлар образи билан ёнма-ён туради. Чингиз Айтматовнинг асарларида бошқа жониворлар образларини ҳам кўрамиз.

Қозоқ адабиётида ҳам отнинг ўрни бекиёс. Абай Қўнанбоевнинг асарларидан тортиб замонавий қозоқ адиблари С.Сайфулин (“Асов тулпор”), И.Жансугуров (“Кулагер”), Т.Алимқулов (“Оқ от”) ва бошқаларнинг асарларида от асосий қаҳрамонлардан бири.

Тадқиқотнинг иккинчи боби “**Эрнест Сетон-Томпсон асарлари поэтикаси**” деб номланган. Э.Сетон-Томпсон асарлари қаҳрамонлари, асосан, ёввойи ҳайвонлар. Улар табиат кўйнида – ўрмонларда, тоғу тошларда, қир-адирларда яшайди. Уларни табиатдан ажратиб бўлмайдди. Шу сабабли муаллиф хоҳлайдими йўқми, барча асарларида пейзажга, ҳайвонлар яшаётган муҳит тасвирига кенг ўрин ажратади. Э.Сетон-Томпсон қушлар ва ёввойи ҳайвонларнинг кўплаб расмларини чизган. Бироқ унга ҳақиқий шуҳратни китоблари келтирди. “Mr. Thompson Seton says in capital letters that his stories are true, and it is this emphatic assertion that makes the judicious grieve. True as romance, true in their artistic effects, true in their power to entertain the young reader, they certainly are; but true as natural history they are not”⁹. (Жаноб Томпсон Сетон, баралла айтиши бўйича, унинг хикоялари ҳақиқатдан иборат, улар ҳамдардликни онгли равишда анланган изтиробга айлантиради. “Ҳикояларим муҳаббат сингари самимий, тасвирлари ҳаққоний, ёш китобхонга завқ бағишлаши ҳам ҳақиқий, бироқ улар тарихий ҳақиқат каби ҳаққоний эмас”, – дейди адиб).

Э.Сетон-Томпсон асарларининг қаҳрамонлари ҳайвонлар. “Домино” қиссасида ҳам табиат, пейзаж тасвирига алоҳида эътибор берилган. “Кун Голдер тоғлари ортига бекиниб, дашту далалар узра жониворларга хуш ёкувчи майин оқшом чўқди. Уфқ ловуллаб ёнди, адирларда нозик нурлар сеп

⁹ Read S.E. Flight to the primitive. Ernest Thompson Seton// Canadian Literature, 1962, - №13. - P.52.

ёйди. Шобан дарёси яқинидаги юксак адир қарағайзорлари нурларда яшнаб кетди. Қарағайзор оқшомлари сокин ҳам осойишта бўлади”¹⁰.

Э.Сетон-Томпсон ўзининг барча асарларида ҳайвонлар образларини яратади. Унинг қаҳрамонлари отлар, айиқлар, бўрилар, тулкилар, буғулар, ёввойи қуёнлар, кучуклар, турли қушлар. “Инсонлар оламига сўзсиз алоқадор ёхуд унга ўхшаш ҳайвонлар образларининг илдизлари ҳам асрларга сингиб кетган. Уларнинг ришталари эртақлардан (асотирдан туғилган) ва масаллардан Франциск Ассизскийнинг “бўри оға”сига ва “Сергий Радонижскийнинг ҳаёти”даги айиққа келиб тақалади, ундан кейин эса Толстойнинг “Холстомер”, адолатсизликдан ҳақоратланган айиқ қирол Лирга ўхшатиб тасвирланган Лесковнинг “Ҳайвон”, Чеховнинг “Каштанка”, В.Ходасевичнинг “Маймун”, В.П.Астафьевнинг “Трезор ва Мухтор” номли ҳикоялари қабиларга бориб тақалади”¹¹.

Э.Сетон-Томпсоннинг “Домино” (The Biography of a Silver-Fox) номли қиссасида бир кўнғир-қорамтир тулкининг ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинади. Қиссанинг сюжети ва композицияси ўзига хос. У уч қисмдан иборат бўлиб, уларда тулкининг дунёга келишидан бошлаб бошидан ўтган воқеалар, унинг болалиги, яхши ва ёмон кунлари, ғанимлари билан курашлари, мағлубият ва зафарлари акс эттирилган. Қиссанинг “Олтин болалик” деб номланган биринчи қисми 7 фасл, “Биргаликда” деб номланган иккинчи қисми 8 фасл ва “Синов ва тантана” номли учинчи қисми 5 фаслдан, жами – 20 фаслдан иборат. Адиб қиссада йил ойларига ҳайвонлар тили билан ном бериш орқали услубий ўзига хосликка эришади. Масалан, январь–“Қор ойи”, февраль – “Очлик ойи”, март – “Қарға ойи”, апрель – “Ўт-ўланлар ойи”.

Асар Домино билан фермер Жукснинг ити Гекланинг аёвсиз курашидан иборат. Э.Сетон-Томпсон Гекланинг Доминога мутлақ қарма-қарши портретини чизади. Адиб Геклани антик давр афсоналарида жаҳаннам дарвозасини пойловчи Церберга қиёслайди, Доминони меҳр билан тасвирлайди: “Мен ҳам тулки овлаб тураман, тулки овини хуш кўраман, аммо шу куни гўзал жониворни изма-из қувиб юрган, юнон афсоналаридаги жаҳаннам дарвозасини пойловчи Цербер деган қопағон итдай бешафқат Геклани кўриб, кўз олдимга тулки ови эмас, жажжигина сайроқи қушчани бўғмоқчи бўлаётган захарли илон келди. Шундай кейин ит зоти билан бўлган азалий дўстлигимдан кечиб, қора-кўнғир тулкига меҳр қўйдим”¹².

Ҳикоя шу ерда ниҳоясига етади. Адиб унинг ечимини бермайди, қора-кўнғир тулкининг бундан кейинги қисмати не бўлишини китобхонга ҳавола қилади.

“Асл Аналостан мушуги” ҳикояси ёзувчи ижодида алоҳида аҳамиятга эга. Оддий бир саёқ мушукнинг бошидан ўтган воқеаларидан ҳикоя қилувчи бу асар композицион жиҳатдан тўрт бобга бўлинган. Улар мос равишда “Биринчи ҳаёт”(“LIFE I”), “Иккинчи ҳаёт” (“LIFE II”), “Учинчи ҳаёт” (“LIFE

¹⁰Сетон-Томпсон Э. Домино / Ёввойи йўрға. – Т.: Ношир, 2010. –Б.11.

¹¹ Хализев В.Е. Теория литературы. – М.: Высшая школа, 2002. – С.242.

¹²Сетон-Томпсон Э. Домино / Ёввойи йўрға. Рус тилидан Тоғай Мурод таржимаси. – Т.: Ношир, 2010. – Б.21.

III”) ва “Тўртинчи ҳаёт” (“LIFE IV”) деб аталади. Ҳар бир боб, ўз навбатида, маълум қисмлардан ташкил топган. Жумладан, биринчи боб беш қисмдан, иккинчи боб уч қисмдан, учинчи ва тўртинчи бобларнинг ҳар бири икки қисмдан иборат. Асарнинг бош қаҳрамони – оддий харобалар мушуги. Боблар номида “ҳаёт” сўзининг мавжудлиги мушук бошидан кечирган воқеаларнинг турфа хиллигига ва уларнинг турли масканларда рўй берганлигига ишора қилади. Ҳикоя айти хусусияти билан қиссага яқинлашади.

Э.Сетон-Томпсон жониворлар ҳақидаги адабий жанрнинг асосчиларидан бири бўлиб қолди; у дунёнинг турли бурчакларида ижод қилган ва қилаётган кўплаб анималист адибларга катта таъсир кўрсатди.

Диссертациянинг учинчи боби “**Н.Норқобиловнинг анималистик асарлари бадий хусусиятлари**”да адибнинг “Тоғдаги ёлғиз одам” ва “Оқбўйин” қиссалари ҳамда “Қўшнилари” ҳикояси тадқиқ қилинади.

“Тоғдаги ёлғиз одам” қиссасида баъзи жониворлар ҳатто одамдан ҳам ақлли, доно, одамдан ҳам серзарда, сержаҳл, бешафқат қилиб тасвирланади. Одам ким, ҳайвон ким, билиб бўлмай қолади. Асар сюжети овчи билан ёввойи ҳайвон ўртасидаги курашга асосланган.

Н.Норқобилов мазкур асарда турли рамз ва ранглардан унумли фойдаланган. Жумладан, бўлиб ўтаётган воқеалар марказини ташкил этувчи, қаҳрамонлар яшайдиган қишлоқ номи берилмаса-да, унинг атрофидаги табиат масканларига ажойиб номлар қўйилган: Қизилқоя, Илонўрмас, Оқартош, Ялангтош, Сангтош, Бўзбулоқ ва Қуйидара, Арчалидовон ва унинг узвий қисми Каттақир, Кунгайбет, Тошлоқсой, Эгрисой каби.

Адиб воқеалар рўй бераётган масканни таърифлашда бир-бирини рад этадиган ёхуд ўзаро зид келадиган рангларни қўллайди, контраст ҳосил қилади. Жумладан, “*Кўкка* найзадек санчилган қоя тепасидаги улкан *қизғиш* харсанг унга чўкки тусини бергандек эса-да, аслида қоянинг харсангдан ҳоли қисми *яшил* майсалари тиззага урадиган, тевараги арчазор кенг сайхонлик эди”. (30)

Нормурод Норқобиловнинг анималистик жанрдаги қатор ҳикоялари ҳам мавжуд. Уларда турли ёввойи жониворларнинг, уй ҳайвонларининг ҳаёти тасвирланди. Биз “Қўшнилари” ҳикояси поэтикасига диққат қаратдик. Сабаби унда факуллода ҳодиса, бир-бирига мутлақо тўғри ҳам, мос ҳам келмайдиган икки дунё вакиллариининг – инсонлар ва бўриларнинг қўшниликда аҳил ва тинч-тотув яшашлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Н.Норқобилов одамлар ва жониворлар психологиясини жуда яхши билади. Унинг анималистик асарларидаги жониворларни одамларга, одамларни эса жониворларга қиёслаш мумкин. Жумладан, “Пахмоқ” қиссасида онасини йўқотган Пахмоқ “*йиғлади, ростмана гингишиб, зорланиб, хўнграб йиғлади. Нораства овозда ўқириб-ўқириб йиғлади*”¹. (таъкид бизники)

Адиб асарларида ёввойи жониворлар билан бир қаторда уй ҳайвонларига катта эътибор қаратилади. Уй ҳайвонлари орасида итлар

¹Норқобилов Н. Пахмоқ/Тоғдаги ёлғиз одам. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2011. – Б. 126.

алоҳида ўрин эгаллайди. “Оқбўйин” қиссаси бундай асарлар орасида алоҳида ўринга эга. Асарнинг бош қаҳрамони – Оқбўйин. Бу ўзбек анималистикасида бўлмаган ҳолат. Оқбўйинни қуйидагича тавсифлаш мумкин. У итларнинг арлонисидан. У нотаниш ҳидни дарров илғайди. Оқбўйин ўз қадр-қимматини яхши билади. Бу жиҳатдан у отаси Олапарга тортган.

Асарда адиб жониворлар ўртасидаги муҳаббат мавзусига ҳам алоҳида тўхталлади. Бу адибнинг бошқа анималистик асарларида учрамайди. Оқбўйиннинг жароҳати битган сайин иштаҳаси ҳам кўтарила борди. Энди у ҳовлидаги овқатга итоат қилмай қолди ва даштга чиқиб кетди. Даштда у Келдиёр махсумнинг ити Қоплонни учратиб қолди. Келдиёр махсум уни эркалаб “қоплон” деб атаса-да, у ориқ, нимжонгина ит эди. Шу кунгача Оқбўйин учун ҳамма ит бирдай эди.

Маълумки, жаҳон адабий жараёни хилма-хил ва мураккаб ҳодисаларга бой. Айниқса, бугунги кунда ҳеч бир миллий адабиёт ўз қобиғида, ташқи таъсирларсиз ривожланмайди. Инглиззабон Канада ва ўзбек анималистик адабиёти ўртасида қатор муштаракликлар ва ўзига хосликлар мавжуд.

Э.Сетон-Томпсоннинг “Кулранг айиқ ҳаёти” билан Нормурод Норқобиловнинг “Пахмоқ” қиссаларини солиштириш муҳим ва қизик ҳулосаларни беради. Ҳар икки асарни ўқиган китобхонда гўё бир асар ўқилгандек таассурот пайдо бўлади. Гўё ҳар икки асарда ҳам гап бир айиқ ҳақида кетаётгандек. Зеро, бу айиқларни жуда кўп нарса – ўхшаш болалик, ўхшаш тақдир (ёлғизлик), ўхшаш муҳит, ўхшаш ғанимлар ва бошқа кўп ўхшашликлар бирлаштириб туради.

Э.Сетон-Томпсонда: “Ғарибгина Уэб қорин ташвишида олис-олисларга қараб кетди”. (172)

Н.Норқобиловда: “Қорин тўйдириш ғамида боши оққан томонга тентиб кетаверарди”. (128)

Бироқ теваарак–атроф ғанимларга тўла.

Э.Сетон-Томпсонда: “Сағир Уэбнинг ғанимлари кўп эди” (172).

Н.Норқобиловда: “... арчазор кўйни ҳам ғанимларга сероб эди” (126).

Бироқ бу дунёда яшамок истасанг, шу ғанимларга қарши курашиш, уларни енгишинг керак. Уэб ҳам, Пахмоқ ҳам йилдан-йилга вояга етдилар. Кеча уларга улкан кўринган ғанимлар бугун кичрайгандек, ўз кўринишларига қайтгандек бўладилар. Энди айиқлар улар билан беллашишга тайёр.

Э.Сетон-Томпсонда: “Шамол димоғига мазали бир ҳидни олиб келди, у ҳидни олиб бориб, ҳўкизнинг маслиқни устидан чиқди. Маслиқ теваарагида бир нечта чиябўрилар чўнқайиб ўтирар эди. Улар Уэбнинг кўзига у кўрган чиябўрилар олдида жуда майда, ногирон кўриниб кетди.(176)

Н.Норқобиловда: “Пахмоқ билмасдан бўриларнинг ини устидан чиқиб қолди... Назарида бўрилар анча кичрайиб қолгандай эди. Ўтган йилги бўрилар анча басавлат эди.(129).

Э.Сетон-Томпсон таъсири бошқа ўзбек адиблари ижодида ҳам сезилади. Э.Сетон-Томпсоннинг “Ёввойи йўрға” ҳикояси эрксевар мустанг

